

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА  
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

АМАЛИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ  
БАДИЙ КУЛОЛ ВА МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР БЕЗАГИНИ  
ТАЪМИРЛАШ КАФЕДРАСИ

“Химояга руҳсат этилсин”

Факультет декани

\_\_\_\_\_ С.Дж.Саидова

«\_\_\_\_\_» 2019 й.

5151200 — Амалий санъат таълим йўналиши

Амалий санъат асарларини таъмирлаш бўлими талабаси

**Тожибоева Гулноз Зоҳидулла қизининг**

**СЎҒД Либосини тадқиқи ва тиклаш лойиҳаси**

**(VII аср) мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар: “Бадиий кулол ва меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш” кафедраси ўқитувчиси, Архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори

\_\_\_\_\_ А.Ф. Ўлмасов

“Химояга тавсия этилсин”

“Бадиий кулол ва меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш” кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ Д.Т. Хайтметов

Мазкур Битирув малакавий иши Бадиий кулол ва Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш кафедрасида бажарилган, Бадиий кулол ва Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш кафедрасининг 2019 йил \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_\_ сонли мажлисида ҳамда амалий санъат факультетининг 2019 йил \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_\_ сонли факультет Кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояяга тавсия қилинган.

Тақризчи: \_\_\_\_\_

Битирув малакавий иши ҳимояси 2019 йил \_\_\_\_\_ июнь, соат \_\_\_\_\_ да Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳар Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123.

## **МУНДАРИЖА:**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>4</b>
-------------------	----------

### **I. БҮЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ АҲАМИЯТИ**

<b>1.1. Бүюк ипак йўлидаги тарихий-маданий ҳудудлар ва уларнинг ўзаро алоқалари.....</b>	<b>8</b>
<b>1.2. Илк ўрта асрларда Сўғд тарихий-маданий ҳудуди.....</b>	<b>14</b>

### **II. БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ ДАВРИДАГИ ЛИБОСЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ**

<b>2.1. Марказий Осиё либослари тарихи.....</b>	<b>16</b>
<b>2.2. Аналогик элементлар таҳлили.....</b>	<b>24</b>

### **III. ЛИБОСЛАРНИ КОНСЕРВАЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

<b>3.1. Либослар консервациясининг умумий таърифи.....</b>	<b>29</b>
<b>3.2. Либосларни консервациялаш усуллари.....</b>	<b>37</b>

<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>45</b>
--------------------	-----------

<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>47</b>
--------------------------------	-----------

<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>49</b>
----------------------	-----------

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг моддий ва номоддий маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни асраш, уларни тадқиқ этиш ва келгуси авлодларга етказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068 сонли қарори<sup>1</sup> бу борада қилиниши лозим бўлган амалий ишлар учун дастур вазифасини ўтайди.

Маълумки, лиbos кишилик жамияти маданиятининг ажралмас қисми хисобланади. Инсоният пайдо бўлибдики, лиbosга эҳтиёж сезган. Аввало, бу табиий эҳтиёждан келиб чиқсан, яъни ўзини иссиқ ва совукдан, ёғингарчиликдан химоя қилиш сифатида ифодаланган. Жамият ривожлангани сари кийим фақат табиий эҳтиёж бўлиб қолмасдан, инсонларнинг жамиятдаги мавқенини белгиловчи асосий унсурлардан бирига айланган. Қадимда қироллар ёки шоҳларнинг саройларида юқори ва қуи табака вакилларини айнан лиbosларининг кўриниши, бичими, ранги ва безаклари бир-биридан ажратиб турган. Бундан келиб чиқадики, лиbos нафақат моддий бойлик, балки тарихимизнинг очилмаган қирраларини очишида муҳим ашёвий далил сифатида ўта аҳамиятлидир ва бу борада мазкур Малакавий битириув иши ўзининг долзарблигини намоён қиласди.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўрта Осиё халқларига оид лиbos топилмаларининг парчалари Ўзбекистоннинг деярли барча тарихий-маданий ҳудудларида олиб борилган археологик қазиашма ишларида топилган. Афсуски, ушбу топилмалар табиий органик моддалардан тайёрлангани учун ҳам узок вақт мобайнида ер остида ётгани ва бошқа табиий омиллар натижасида шикастлангани боис бизгача тўлиқ етиб келмаган. Лиbosларнинг яхши сақланган намуналари асосан ўрта асрларга тегишли бўлиб, уларнинг аксарият қисми республикамиз музейларида сақланади. Лекин Ўрта Осиё

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПҚ-4068 сонли “Моддий ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаoliyatни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент шахри, 2018 йил, 19 декабрь.

худудида яратилган бўлса-да, турли сабабларга кўра хорижий мамлакатларга чиқиб кетган либослар ҳам мавжуд. Уларнинг баъзилари музейларда намойиш қилинса, айримлари шахсий коллекцияларда сакланади. Ушбу миллий либослар хорижий мамлакатларда сакланса-да, уларнинг тарихини тадқиқ этиш жудаям муҳим. Бу борада мазкур мавзу ўз вақтида танланган ва долзарбдир.

**Мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади Ўрта Осиё худудида ишлаб чиқилган ва ҳозирги вақтда хорижда сакланаётган болалар либосини тадқиқ қилиш ва тиклашдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш учун куйидаги вазифалар қўйилган:

- Сўғд либоси ва у топилган худуд тарихини ўрганиш;
- либосда ифодаланган нақш ва орнаментларнинг талқини;
- мазкур либосга ўхшаш намуналарни тадқиқ этиш;
- либосларнинг табиий ва кимёвий хусусиятларини ўрганиш;
- либос тикилган турли хил матоларни консервация қилиш усуллари ва методологияси.

**Малакавий битирув иши объекти ва предмети.** Малакавий битирув ишининг обьекти Илк ўрта асрларга оид Сўғд либосидир. Бу либос, яъни болалар чопони Сўғд тарихий-маданий худудига мансуб. У VII-VIII асрларда Хитойдаги Тан сулоласи хукмронлиги даврида император оиласининг вакилига тегишли бўлган. Либоснинг баландлиги 48 см, кенглиги эса 82,5 см бўлган<sup>2</sup>. Чопоннинг устки матоси 5 хил ранг иштирок этган тасвиirlардан иборат бўлиб, асосий тасвир марваридлар шодаси тизилган доира ичидаги ўрдак юзли безакдан иборат. Бундан ташқари хоч шаклида ифодаланган нилуфар гуллари аслзодалик рамзи ҳисобланиб, ёш шаҳзода учун маҳсус яратилган. Либоснинг астари Хитойдан олиб келинган ва Дамашқ ипаги<sup>3</sup> деб номланган матодан бўлган. Чопондан ташқари айнан шу мато ва нақшдан иборат болалар этикчаси (маҳси) ҳам топилган. Бундан ташқари, ипак

<sup>2</sup> <http://www.clevelandart.org/art/1996.2.1#>

<sup>3</sup> “China: Dawn of a Golden Age”, (James C. / Y. Watt). second printing 2004. Arts of the Sui and Early Tang Dynasties, 341 page.

шалвар ҳам топилган бўлиб, унинг баландлиги 52 см, кенглиги 28 см. Либосларнинг бари Хитойдаги олий табака оиласи вакилига тегишли бўлсада, аслида келиб чиқиши ва яратилиши жиҳатидан Сўғд тарихий-маданий ҳудудига бориб тақалади. “Қадимги Сўғд либослари” коллекциясидан ўрин эгаллаган ушбу тарихий ёдгорликлар бугунги кунда Кливленд Санъат музейи<sup>4</sup> (АҚШ)да сақланади.

**Малакавий битирув ишининг таркибий тузилиши.** Малакавий битирув иши лойиха, ашёда ишлаш ва матн қисмларидан иборат. Лойиха 6 та планшетдан иборат бўлиб, уларда мавзу номи ва бошқа маълумотлар келтирилган титул, объектнинг таъмирлашдан олдинги ва кейинги ҳолати, график реконструкция қўриниши ҳамда аналогик объектлар чизмалари ўрин олган.

Ашёда қадимий либосларнинг ўша давр техникаси ва усули ёрдамидаги нусха варианти бажарилади. Матонинг тури ва безаклари ўрганиб чиқилиб, бичими яратиб олинади. Maxsus қолиплар ва бўёклар орқали матога чизиб олинган нақш-безакларни бўяш ишлари амалга оширилади. Сўнгра бичимлар тикилиб, бутун либос қўринишига келтирилади.

Матн қисми юқоридаги амалий ишларни назарий жиҳатдан тўлдириб, мазкур ишнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди. Матн қисми кириш, учта боб, хуроса ҳамда адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Илова тариқасида ёдгорлик тарихи, чизмаси, суратлари ва ашёда ишлаш жараёни акс этган фотосуратлар келтирилган. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объектнинг таркибий тузилиши ҳақида қисқача баён қилинган.

Биринчи боб “Буюк ипак йўлининг аҳамияти” деб номланиб, икки бўлимдан иборатdir. Биринчи бўлимда Буюк ипак йўлидаги тарихий-маданий ҳудудлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган бўлса, иккинчи бўлимда айнан Сўғд тарихий-маданий ҳудудига тўхталиб ўтилган.

---

<sup>4</sup> <http://www.clevelandart.org/>

Иккинчи боб “Буюк ипак йўли давридаги либослар ва уларнинг тавсифи” деб номланган. Боб икки қисмдан иборат бўлиб, “Либослар тарихи” ва “Суратларда деталлар таҳлили” каби бўлимларни ўз ичига олади.

Учинчи “Либосларни консервация қилиш усуллари” боби икки бўлимдан иборат бўлиб, бўлимлар “Либослар консервациясининг умумий таърифи” ва “Либосларни консервациялаш усуллари” деб номланган. Мазкур бобда қадимий либослар матоларининг технологик тадқики ҳамда таъмирлаш усуллари баён қилинган. Бугунги кунда замонавий таъмирлаш усуллари, матоларнинг бутун ҳолатини тиклашда зарур бўладиган маҳсус бўёқларнинг табиий ва сунъий тарзда яратилиши билан боғлиқ жараёнлар назарий баён қилинган.

Хуносада барча боблар бўйича умумий якун ясалган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида мазкур Малакавий битирув ишини назарий ва амалий бажаришда фойдаланилган илмий монографиялар, мақолаларнинг рўйхати берилган. Илова тариқасида турли ҳудудлардан топилган, Қадимги Сўғд тарихий-маданий ва археологик ёдгорликлари сифатида сақланаётган либослар, таъмирлаш ва тиклаш жараёнини ёритувчи фотосуратлар тақдим этилган.

Kaffa

Sarai

Saraichik

ole

Y

Caucasus

Tbilisi

IA

Palmyra

RAQ

Baghdad

Caspian Sea

Baku

TURKMENISTAN

Namadan

Merv

Basra

PERSIA  
(IRAN)

Balkh  
AFGANISTAN

Kerman

PAKISTA

lina

SAUDI  
ARABIA

Yangikent

Urgench

UZBEKIS

Bukhara

ёки Сяоу-ди — еттинчи император, шахсий исми Лю Чэ (劉徹) ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг ғарбий худудларига бўлган қизиқиш кучаяди. Хитойликлар бу худудларда ўша даврда анча хавфли бўлган ҳарбий кучлар — хуннлар билан тўқнашадилар. Хуннларга қарши курашда иттифоқчиларни топиш ва улар билан ҳарбий иттифоқ тузиш мақсадида император У-ди милоддан аввалги 138-йилда дипломат, саёҳатчи ва савдогар Чжан Сянни Ўрта Осиёга жўнатади. Чжан Сян бир неча йил мобайнида хуннларнинг кўлида асирикда бўлади ва милоддан аввалги 128-126-йилларда Фарғона (Довон)га келади. Довон ҳукмдорлари билан ҳарбий иттифоқ тузишида муваффакиятсизликка учраган Чжан Сянь қўп қийинчиликлардан сўнг юртига етиб боради. Чжан Сянь миссияси Хитой учун Ғарбий ўлкаларга чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик Хитой императори билан Довон ҳукмдорлари ўртасида қонли урушлар бўлиб ўтди.

Милоддан аввалги 111-105 йилларда император У-ди Парфия (Хитой манбаларида Анси деб эслатилади) подшоларига, Қанғ ҳукмдорларига, кейинроқ эса Бақтрия ерларига (Кушонлар) ўз элчиларини жўнатиб, улар билан дипломатик-савдо алоқаларини ўрнатади. Шу тариқа, милоддан аввалги II-I асрларда Шарқ билан Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлига асос солинади. Ўз даврида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган.

Қадимги халқларнинг ҳар томонлама ривожланишида савдо ва транзит йўлларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Милоддан аввалги III минг йилликка келиб, Ўрта Осиёнинг кўргина худудлари қадимги аҳоли томонидан ўзлаштириб бўлинган эди. Бронза даврига келиб, чўл ва даштдан иборат худудлардаги кўчманчи чорвадор аҳоли воҳалардаги ўтрок аҳоли билан ўзаро алоқаларни янада ривожлантиради. Тарихий адабиётлардан маълум бўлишича, Буюк ипак йўли ташкил топмасидан анча илгариёқ

Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё худудларида ўзаро алмашинув йўллари мавжуд эди.

Бронза даври (милоддан аввалги III-II минг йилликлар)даги ана шундай йўллардан бири «Ложувард<sup>6</sup> йўли» деб аталиб, унинг бир тармоғи Бадаҳшон, Бақтрия ва Марғиёна худудларини Хоразм, Сўғд, Марказий Қозоғистон ва Ўрал билан боғлаган. Яна бир тармоғи эса Бақтрия ва Марғиёнани Месопотамия билан боғлаган. Бу йўл Помир тоғларидан бошланиб, Эрон, Олд Осиё, Миср орқали ўтган. Бадаҳшон ложувардининг Ҳинд водийси, Месопотамия ва Мисрдан топилиши бу қимматбаҳо тошнинг Қадимги Шарқда ниҳоятда қадрланганлигидан далолат беради.

Қадимги йўллардан яна бири — Эрон аҳмонийларининг йўли бўлиб, бу йўлнинг бир тармоғи милоддан аввалги VI-IV асрларда Кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири бўлган Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эрон-Бақтрия орқали Сўғдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозоғистон худудларидан ўтиб, Олтойгача борган.

Буюк Ипак йўлининг умумий узунлиги 12800 километрдан иборат бўлган ва бу йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган.

Хитойнинг Анси (Аннеси) шаҳрига келиб, Ипак йўли бир неча тармоқларга бўлиниб кетган. Хусусан бир тармоқ Анси-Хами(Кумул)-Қошғар орқали Қўқонга, ундан эса Тошкентга ўтган. Бу ердан Жиззах ва Самарқанд орқали Бухорога келган йўл Урганч орқали Гурьевга, у ердан Оқсарой орқали Қора денгиз бўйларига чиқкан. Яна бир тармоқ эса Дунхуан орқали Ҳўтанга, ундан Лахўрга ўтиб кетган.

Бухорога келганидан сўнг эса бу тармоқ иккига бўлинган. Ипак йўлининг жанубий тармоғи Ўзган орқали Ўшга ўтиб, Қува-Марғилон-Қўқон

<sup>6</sup> Ложувард (фор. — мовий), лазурит — минерал. Асосан, тўқ кўк, бинафша ва қўкимтири-яшил тусдаги майда донадор массалар кўринишида, баъзан кристалл ҳолида учрайди. Қимматбаҳо безактош сифатида ишлатилиб, ундан мовий рангдаги бўёқ ҳам олинади. (ЎзМЭ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000 й.)

орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухорога ўтган. Шимолий йўналиши эса Хазар хоқонлиги ва Булғор давлати орқали Киев Руси ва Европа мамлакатларигача етган. Ипак йўлининг асосий карvon йўлларидан ташқари яна ички савдо йўллари ҳам мавжуд эди.

Ўрта Осиё худудларида антик даврдан бошлаб ривожланиш жараёнлари Буюк ипак йўли билан узвий боғлиқдир. Хусусан, милоддан аввалги II асрдан бошлаб Хитой ва Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари билан савдо ва маданий алоқалар ривожланиб борди. Фарғона, Сўғд ва Бақтрияга ипакчилик кириб келди. Карvon йўли ривожлангани сари савдо-сотик ва маданий алоқалар ҳам кучая бошлади. Кушонлар ва эфталитлар даврига келиб маҳаллий сўғдий аҳоли Ўрта Осиё орқали ўтувчи Ипак йўли тармоқлари назоратини ўз қўлларига оладилар. Кўшни давлатлар ҳам Ипак йўлидан манфаатдор бўлганликлари сабабли, илк ўрта асрларда Эрон ва Византия хукмдорлари сўғдийлар билан қонли курашлар олиб бордилар.



2-расм. Шимолий-Жанубий Буюк Ипак йўли<sup>7</sup>

<sup>7</sup> «A Mathematic Expression of Art», 2014. Mariachiara Gasparini, Ruprecht-Karls-Universität Heidelberg, 135 page.

Милоднинг бошларида қадимги дунёning илғор маданиятли давлатлари асосан тўртга: Рим, Парфия, Хитой ва Кушон давлатларига бўлинар эди. Фарбдаги Британ оролларидан Шарқдаги Тинч океани соҳилларигача чўзилган бу забардаст салтанатлар инсоният тарихида биринчи бўлиб «Буюк Ипак йўли» деб номланувчи йўл билан боғландилар. Ипак йўли ривожланиб боргани сари ҳукмдорларнинг ўзаро элчилар юборишлари, бир-бирларига ҳар хил совғалар инъом этишлари анъанага айланди. Савдо-сотик мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Шунингдек, Шарқ билан Фарб маданиятининг бир-бирига таъсири ҳам кучайди. Давлатлар ривожланишидаги қўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келди.

Буюк Ипак йўли бўйлаб қўплаб карvonсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Бу йўлдан юрадиган савдогарлар кўпинча йўлнинг охиригача бормас эдилар. Ўрта Осиё вилоятлари бу йўлнинг ўртасида жойлашганлиги сабабли савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термиз ва бошқа ҳудудларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қиласар эдилар. Ўрта асрларда Ўрта Осиё бозорларида четдан келтирилган қўплаб маҳсулотлар мавжуд эдики, ҳозирги кунда Ипак йўли устида жойлашган кўхна шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги археологик қазишмалар натижасида топилаётган топилмалар фикримизнинг далилидир.

Буюк Ипак йўли милоддан аввалги II асрда пайдо бўлиб, милоднинг XVI асрига қадар фаолият кўрсатди. Бу давр Шарқ ва Фарб ҳалқларининг кенг миқёсидаги ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари тарихида катта аҳамият касб этди. Бу йўл орқали алоқа қилган қадимги ҳалқларнинг ўзаро ҳамкорлиги маданиятларининг бойиб бориши, тинчлик ва тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қиласар эди. Ўзбекистон ҳудуди бу йўлнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, хунармандлар, олимлар ва меъморлар ташриф буорганлар.

### **Буюк Ипак йўлининг қадимий номлари:**

- Ложувард йўл;

- Шоҳ йўл;
- Ғарбий меридионал йўл;

Буюк Ипак йўли орқали Марказий Осиёдан бошқа давлатларга шиша буюмлар, куруқ мевалар, заргарлик буюмлари ҳам ташилган. Сўғдиёнадан Хитойга жун газлама, гилам, безак буюмлари ва қимматбаҳо тошлар олиб борилган. Бактриядан туялар, Фарғонадан наслдор отлар, Бадаҳшондан лаъл<sup>8</sup>, Ҳиндистондан кумуш ва фил суюгидан ишланган буюмлар, зираворлар ва бошқа маҳсулотлар олиб борилган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Буюк Ипак йўлига тегишли бир канча ободончилик ишлари амалга оширилди. Янги карвонсаройлар, қўприклар ва нархлар мўътадиллигини текширувчи ҳамда карвонлар хавфсизлигини таъминловчи назорат жойлари курилди.

ЮНЕСКО томонидан «Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли» дастурининг<sup>9</sup> ишлаб чиқилиши Евросиёдаги 30 дан ортиқ етакчи давлатларнинг 2000 йилга қадар илмий-маданий фаолияти учун йўналиш бўлди. Республикамиз худудларида ҳам илмий экспедициялар ташкил этилди. Бунинг натижасида кўпгина тарихий-маданий обидалар ўрганилди, қадимги йўллар ва йўналишлар аниқланди, миллий ва маънавий бойлигимиз ҳамда анъаналаримиз ўрганилди. Жуда кўп тадқиқотчилар иштирок этаётган «Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли» дастурининг асосий вазифаси Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатган ҳамда ривожлантирган бу йўлни халқларнинг биродарлиги, ўзаро ҳамкорлиги ва самимий мулоқот йўлига айлантиришдан иборатdir.

<sup>8</sup> Лаъл — ёркин қизил рангли қимматбаҳо тош.

<sup>9</sup> 1987 йилда ЮНЕСКО маданий тараккиёт бўйича БМТнинг умумжаҳон декадаси доирасида «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини қабул қилди.

## **1.2. Илк ўрта асрларда Сўғд тарихий-маданий ҳудуди**

Милоддан аввалги IV-II асрларда қадимги Хоразм мустақил давлат бўлиб, Искандария, Салавкийлар давлати ва Юнон-Бактрия давлатларининг таркибидан ажralиб чиқди. Бу хол Хоразмда ўзига хос маҳаллий давлатчилик тизими ривожланишида муҳим омил бўлди. Милоддан аввалги 2 минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ҳудудида дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган аҳоли вакилларининг араласиб кетиши кузатилади. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шу элатларнинг вакиллари — сўғдлар, бактрийлар, хоразмийлар ва саклар ўзбек халқининг қадимги аждодларидан бўлиб, улар ҳақидаги айrim маълумотлар қадимги ёзма манбаларда сақланиб қолган.

Антрапологик ва ёзма манбаларда Ўрта Осиёда энг қадимги элатларнинг шаклланиши ва этник ҳудудларнинг ажrala бошлиши милоддан аввалги IX-VIII асрларга бориб тақалиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Бақтрия таркибига эса айнан Бақтриядан ташқари Марғиёна ва Сўғдиёна ҳам кирган. Аҳолиси асосан дехқончилик, чорвачилик ва савдо-сотик билан шуғулланган Бақтриянинг шаҳар ҳаробаларига Қилизтепа, Узунқир, Бандихон ва бошқалар кирган.

Тарихий маълумотларга кўра, Марғиёна ерлари — Мурғоб воҳасини, Сўғдиёна — Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларини, Бақтриёна (Бақтрия) — Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмини, Жанубий Тожикистон ва Сурхондарё вилоятини, Хоразм — Амударёнинг ўрта ва куйи қисмидаги ерларни ўз ичига олган.

Милоддан аввалги 1-минг йилликдан бошлаб, иирик маданий-тарихий вилоятлар — Хоразм, Бақтрия, Сўғд, Фарғона, Шош (Чоч) Шарқ ҳудудларида жуда машҳур бўлган.

**Сўғд давлати** — бу давлат милоддан аввалги 250-йилларда Бақтриянинг таркибидан ажralиб чиқади (3-расм). Унинг ҳудуди ҳозирги Қашқадарё ва Зарафшон воҳалари, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларига тўғри



## 10. Қадимги Сўғд давлати ҳ

(асосан Самарқанд)дан топ  
ги кунда аксарият қисми Самарқанд тарихий моддий-маданий  
“Унинг кўклиги худди осмонларга  
енгликларга кўзгу бўлса дарё

## II. БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ ДАВРИДАГИ ЛИБОСЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ

### 2.1. Либослар тарихи

Ўрта Осиё халқлари кийимининг доимий равишда ривожланиб ва такомиллашиб бориши нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Марказий Осиё этник ва ижтимоий-сиёсий тарихи билан бевосита боғлиқдир.

Сўғд кийим-кечакларини ўрганиш шу нарсадан далолат берадики, Марказий Осиё халқларининг тарихий тараққиёт йўллари ва тақдирлари муштарак бўлган. Уларнинг маданиятлари эса муентазам бир-бирига таъсир кўрсатиб келган. Сўғдда турли даврларда урф бўлган кийим-кечакларнинг барқарор турлари акс этганки, булар жуда қадим замонлардан бери маҳаллий иқлим ва эл-элатлар турмушига мослаштирилган. Ўз навбатида Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Хитой ва Византия халқларининг маданий ютуқлари кенг кўламда тарқалишида “Буюк Ипак йўли” бўйлаб савдо-сотик қилган тижорат аҳлининг ҳам хизматлари бекиёсdir.

VI-VIII асрларда кийимларнинг бичими асосан бир хил бўлган. Устбошларнинг ҳамма қўринишлари енгиз, узун, эҳтимол баъзан енги кенг (яъни, туникасимон ва кимоносимон) қилиб бичилган. Кийимларнинг ён томонида одатда йиртиқ-қийик жойи, ёnlама ёқаси бўлганки, бу ҳол Ўзбекистон халқларининг ҳозирги кийимида илдизи чукур тарихий анъанага бориб тақаладиган хусусиятларини кузатишга имкон беради<sup>13</sup>.

XV-VI асрлардаги Марказий Осиё кийим-кечакларини ўрганишда Ҳирот мактабининг санъати асосий ўринни эгаллайди. Чунки ўша замонларда Ҳирот маданият маркази эди. Кийимлар Ҳиротдан тарқалиб, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон ва бошқа шаҳарларда урф бўлиб кетарди. Бу даврда кўп жиҳатдан жамиятнинг барча табақаларига мансуб эркаклар

---

<sup>13</sup> «Serica — Da Qin», Studies in Archaeology, Philology and History of Sino-Western Relations, 2012.  
Sergey A. Yatsenko — Sogdian Costume in Chinese and Sogdian Art of the 6th-8th centuries, 103-104 pages.

кийими ва маҳаллий уст-бошлар элементлари туркий кийим-кечакларнинг айрим хусусиятлари ҳамда иккинчи томондан, эрон-месопотамия ва мўғул кийимига хос хусусиятлар, хитой кийимига хос элементларни кўришимиз мумкин.

XVI асрдан бошлаб Ҳиротнинг Ўрта Осиё ҳалқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни пасайиб боради. Шунинг учун XVI-XIX асрлардаги эркаклар кийимларининг бичимлари хилма-хил бўлмай, аксинча, аҳолининг турли ижтимоий қатламларига мансуб кишилар айни бир хил кўринишдаги уст-бошларни кийиб юрганликларини кузатиш мумкин. Андоза бир хил эканлигига қарамай, бу кийимларнинг безалиши, кийиниш услуби ва бошқа жузъий қисмлари хилма-хил бўлган.

Марказий Осиёда кишилар асосан турли ранг ва тусдаги силлиқ матолардан тикилган кийимларни кийишган. Булардан бир қанча устки кийимлар, хилма-хил бош кийимлари, пойафзаллар ва улардаги майда қисмлар бизгача етиб келган. Асосий хусусиятларига қўра, кийимларнинг аксарият қисмини бичими бир хил бўлган. Аммо кийиниш услублари, ранг танланиши ва айрим безаклар билан кийилиши уларни ажратиб турган.

**Аёллар кийим-кечаклари.** Аёлларнинг кийими юнонсимон, скифсимон ва ҳиндсимон бўлган (4, 5, 6 расмлар). Улар ички ва устки: елка, бел, бош ва оёқ кийимларидан иборат эди. Аёлларнинг кийими эркаклар кийими комплексига ўхшаш эди: кўйлаклар, кафтанлар<sup>14</sup>, бир томонлама қайтармали ёпинчиқлар ва шалварлар эди. Бундан ташқари шлейфли узун кўйлак, кофта, юбка ва пўстинлар ҳам кийишган. Устки кийимлар (кафтан[14], ёпинчиқ ва пўстин)нинг узунлиги тиззагача бўлиб, уларнинг ёқаси, этаги, олди, енгининг уни бошқа рангли матодан қилинган ҳошия билан безатилган (7-расм).

---

<sup>14</sup> Кафтан — эркаклар ва аёлларнинг устки кийими, чопон. Бу термин сўз XV-XVII асрларда урфга кирган бўлиб, кафтан айни пайтдаги замонавий ҳаётимизда мавсумий устки либосимизга айланган костюм ва пальтоларнинг қадимий кўринишидир.



**4-расм. Юнонсимон либослар, VII аср.**

**Эркак ва аёлларнинг либослари.**



**5-расм. Скифсимон либос.**

**VI-VII асрлар.**

**Зодагон хоним.**



**6-расм. Ҳиндсимон либос.**

**VII-IX асрлар. Турли табақага**

**мансуб аёллар либоси.**

Аёллар кўйлакларининг милоднинг IV асригача бўлган икки тури учрайди. Биринчиси — туникасимон бичимли, кўкраги тагида ва белида

белбоқ билан боғланган түғри бичимли күйлак бўлиб, унинг ёқа бичими думалоқ, олди эса томчисимон кесимли бўлган.



Кўйлакнинг иккинчи тури юонон аёлларининг либосларига ўхшаш бўлиб, бўй баробар мато парчасини елкада тўғноғич билан бириттиришар, этагининг ён бурчакларини тугунча қилиб боғлаб қўйишарди (антик юонон аёллари либосларида эса этак эркин тушиб, драпировкаланарди). Бу кўйлак белидан ёки кўкрагининг тагидан белбоғ билан боғланарди<sup>15</sup>.

Устки кийимлар скифсимон кафтанлар ва ёпинчиқлардан иборат бўлган. Кафтаннинг бичими туникасимон бўлган, шакли тўғри ёки гавдага ёпишиб турган. Тор енги узун бўлиб, баъзан кўндаланг тахламалари хам учарди. Кафтанлар тик ёки диагонал йўналишда қавиларди. Ёқа ўмизи ва олди тўқилган тасма билан безатилади.

<sup>15</sup> «Костюм Древней Евразии», С.А.Яценко, Москва, 2006. 179-180-бет.

Күйлак ёки кафтаннинг устидан ёпинчиқ кийишарди. Улар бўйи баробар тўгри тўртбурчак шаклидаги матодан қилиниб, елкага ташланарди, олд учлари эса тўғноғич билан бириктириларди.

**Бел кийими** — узун, этикка киргизилган шалварлар бўлиб, улар кўйлакнинг тагидан кўриниб турадиган ҳолатда ҳам бўлган.

**Бош кийимлар.** Асосан конуссимон шаклдаги, наматдан қилинган қалпоқлар, юмшоқ ясси қалпоқлар, салласимон, тожсимон бош кийимлар ва ёпинчиқлар бўлган (8-расм).<sup>16</sup>



**Безак тақинчоқлар.** Тақинчоқлар тожлар, зираклар, тиллақошлар, бўйинга тақиладиган кумуш ёки олтин жеваклар<sup>17</sup> ва бошқалардан иборат

<sup>16</sup> «Serica — Da Qin», Studies in Archaeology, Philology and History of Sino-Western Relations, 2012.

Sergey A. Yatsenko — Sogdian Costume in Chinese and Sogdian Art of the 6th-8th centuries, 104-105-106 pages.

<sup>17</sup> Жевак, жавак (форс, jew — арпа) — аёллар бўйнига тақадиган безак буюми, аёллар тақинчоги.

бўлган. Оёқ кийимлари юмшоқ этик бўлиб, гоҳида қўнжининг тепа қисми қайтарилиши мумкин эди.

Бундан ташқари кийимлар қуидагилардан иборат эди: гавдага ёпишиб турадиган ёки сербурма кўйлак; устидан тугма ва нақшли тасма билан безатилган узун кўндаланг тахламли енгли кўйлак ёки кафтан[14] ва яна устидан кийилган енгиз қўйлак. Устки кийими ёпинчиқ, бош кийими (юмшоқ ёки каттиқ матодан), бир учи елкага ташланадиган рўмол; безаклари — бўйнига жеваклар[17], билакузуклар, пешона осилчоқлари, тиллақошлар, оғир зираклар ва марジョンлар бўлган;

— Туникасимон, тор, узун, кўндаланг тахламли, енгли кўйлак, устидан бели боғланган, ёпинчиқقا ўралган бўлади; сербурма шалварлар кенг, юмшоқ белбоғ ёрдамида бўксада маҳкамланарди;

— Соч турмаклари ҳар хил ва мураккаб бўлган: юзининг айланаси бўйича жойлашган ўрилган соchlар ёки жингалаклар.

**Эркаклар кийимлари.** Уларнинг кийими ҳам елка ва бел, устки ва ички кийимлардан иборат бўлган. Елка кийими ички кўйлак ва унинг устидан кийиладиган кафтан[14]дан иборат бўлган. Уларнинг бичими туникасимон, шакли тўғри бўлиб, кийим гавдага сал ёпишиб турган. Узунлиги бўксадан сал пастроқ ёки тиззагача эди. Узун енги тор ёки кўндаланг тахламали бўлган. Белга белбоғ боғланарди. Бел кийими тор ёки кўндаланг тахламали шалварлардан иборат бўлган. Бош кийимлари ясси ёки конуссимон қалпоқлардан иборат бўлган (8-расм). Оёқ кийимлари эса юмшоқ, тепаси қайтарилган этиклар эди.

Ўрта Осиё матолари ва кийим-кечакларининг таҳлили бу даврда тўқимачилик санъати юқори даражага эришганлигини кўрсатади. Тоғли жойларда жун матолардан, водийларда ипакли ва ип (пахталик) газламалардан фойдаланиларди. Улар асосан органик бўёқлар ёрдамида бўяларди. Кийимларни тикишда бир ёки кўп рангли ипаклар, сидирға ёки нақшли ип газламалар, зар қўшиб тўқилган матолар қўлланиларди.

**Нақшли композициялар.** Нақшли тўқима, босма ёки тугунча усулида қилинган. Нақшда асосан геометрик, ўсимлик, ҳайвонлар, фантастик ва қарта мавзулари учрайди. Нақш композицияси икки, уч ёки тўрт рангли бўлган.

**Либосларнинг ранглари.** Ранг гаммаси қизил, сарик, яшил, оқ, кора бўлган ва ўзаро уйғунлик, мутаносибликни касб этган. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон худудида топилган аксарият қадимий либослар ҳамда мато парчаларида шуни кўриш мумкин-ки, аксарият ҳолларда битта рангдан иборат (сидирға тусли) матодаги нақшлар бир нечта совуқ ва иссиқ ранглар уйғуналигига яратилган.

Аҳолининг кийими отга миниб юришга мос бўлиб, қуидагилардан иборат эди: калта кафтан<sup>[14]</sup> ва кўйлаклар, кенг шалварлар ва баланд қўнжли этиклар. Устки кийимида трапеция шаклидаги туникасимон бичим ён қийиқлар ёрдамида (қийиқлар қўлтиғидан ёки белидан тикилиши мумкин эди) хосил қилинарди. Шалвар бичими уч бўлакдан, яъни иккита пойча ва битта оғидан иборат бўларди.

Этник дифференциацияси<sup>18</sup> ҳам белгиланарди: эфталитлар<sup>19</sup> костюмига очик, бир томонлама қайтармали, туникасимон бичилган, билак қисми торайтирилган узун енгли ва этагида ён кесиклари қилинган кафтан<sup>[14]</sup> киради. Уларнинг ёқаси, ён кесиклари, олди, этаги, енгининг уни бошқа мато билан безатиларди. Шалварларнинг пойчаси ҳошия билан безатиларди.

Қадимги дунё учун кийимнинг монотонлиги ва мустаҳкамлиги характерли бўлган. Миср ёдгорликларидан топилган суратлардан хуроса чиқарсан, ўша давр одамларининг либослари геометрик тарзда бичилиб, тана шаклига иложи борича мослаштирилган услубда бўлган. Қадимги Миср аёлларининг энг оддий услубдаги либоси — калазирис узун, тепа қисми сал кенроқ ва этагигача торайиб борадиган тарзда бичилган. Аксарият ҳолларда, калазирис белга кенг белбоғ боғланган ҳолатда кийилган. Бу либос учун

<sup>18</sup> Дифференциация (лот. *differentia* — “фарқ”) — бўлиниш, бўлиб юбориш жараёни ва ҳоказо.

<sup>19</sup> Эфталитлар — ўрта асрларда яшаган қадимги кўчманчи халқ. Ҳозирги Ўрга Осиё, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда улкан туркий анъаналарга асосланган империя тузишга муваффақ бўлишган.

асосан ёрқин рангли ва инсон баданининг тусига қарама-қарши рангли матолар танланган (9-10 расмлар).

Кийим-кечаклар инсон танасининг қанча қисмини беркитиши ёки очик қолдириши қўп жиҳатдан турли халқларнинг маданияти ва урф-одатларини кўрсатувчи ўзига хос жиҳатдир.



**9-расм. Қадимги Миср аёллари либоси**



**10-расм. Қадимги Миср зодагон аёллар либоси**


Шу билан бир пайтда, эркаклар ва аёлларнинг либослари яратилишида муайян қонун-қоидалар ҳам мавжуд бўлиб, уларни эътиборга олмаслик ёки бузишга нисбатан жазолар белгиланган. Масалан, қадимги ҳиндларда эркаклар ва аёллар бир-бирининг либосларини алмашиб кийиши каби ҳолатларга йўл қўйилмаган ва бундай ҳолатлар ўлим жазоси билан жазоланган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё антик кийимларига юононлар, скифлар ва ҳиндларнинг таъсири бўлган. Аммо Ўрта Осиёликлар кийимларининг шаклида, кийиниш одатларида, кийим турларида маҳаллий одатларга оид хусусиятлар мавжуд бўлган ва у жуда кенг, бой тарихга эга эди.

## 2.2. Аналогик элементлар таҳлили

Ўзбекистон худудидан топилган ва Қадимги Бактрия, Сўғдиёна га тегишли бўлган қатор тарихий-маданий ёдгорликлар кўплаб хориж давлат музейларида ҳамда хусусий коллекцияларда сақланиб, кўргазмаларда намойиш этиб келинмоқда. Айнан Кливленд Санъат музейида[4] сақланаётган, Қадимги Сўғд лиbosлари коллекциясидан ўрин эгаллаган яна бир қанча тарихий-маданий лиbos ва мато парчалари бунга ёрқин мисол бўла олади (12-13 расмлар).

1000 йиллик тарихни ўзида сақлаб қолган Қадимги Сўғдиёна худудидан (хозирги Самарқанд худуди атрофи) топилган самит ипак либоси жуда яхши ҳолатда бугунги кунга қадар этиб келгани аксарият олимлар учун қатор саволлар туғдирмоқда.




**11-расм. Ипак матоли, ўрдак безакли самит либоси,  
Қадимги Сўғдиёна, VII-VIII аср.**

Ушбу лиbos (11-расм) олтин рангли ипакдан тўқилган бўлиб, асосий безаги — ҳаворанг ўрдаклардир. Ўрдакларнинг атрофи маҳсус безаклар билан ўралган. Айнан шунга ўхшаш безакли матолар VII-VIII асрларда

“Abegg-Stiftung” (Швейцария Давлат музейи)<sup>20</sup> номли швейцарияликлар дўконида сотилгани хақида маълумотлар мавжуд. Либоснинг матоси Хитойга кўп маротаба борган ва ўша ерларда яшаб қолган сўғд тўкувчилари томонидан яратилган бўлиб, ўз даврида қимматбаҳо ҳисобланган ушбу либос бутунги кунга келиб ҳам ўз қийматини йўқотмаган. “Sotheby's” компанияси<sup>21</sup> томонидан ушбу либоснинг ўртacha кимошди баҳоси 500 000 фунт (700 800 доллар) деб баҳоланмоқда (11-расм).

Бизгача саноқли етиб келган ипак матоли лампас<sup>22</sup>-шиимлардан бири VII-VIII асрлардаги Қадимги Сўғдиёнага мансуб бўлиб, унинг узунлиги 131 см, кенглиги 59 см. Ушбу шимнинг ўзига хос безаклари, яъни тилла ранг ипак



**12-расм. Ипак матоли лампас-шим, Қадимги Сўғд,  
VII-VIII асрлар.**

<sup>20</sup> <https://abegg-stiftung.ch/en/> “Abegg-Stiftung” Швейцария давлат музейи. 1961 йилда музейга айлантирилган, музейнинг деярли барча экспонатлари қадимиий либослар ва мато парчаларидан иборат.

<sup>21</sup> <https://www.sothbysrealty.com/eng/auction-house> 1744 йилда ташкил этилган “Sotheby's” арт-компанияси ўзининг 275 йиллик фаолияти давомида бутун дунё миёсида барча йўналишдаги аудиториялар учун керакли шароит ва қулайликларни яратиб келмоқда.

<sup>22</sup> Лампас — ён ҳошия, ҳарбийлар шимининг икки тарафидаги ён чоки бўйлаб тикилган рангдор ҳошия. Қадимги даврда бундай ҳошияли шимлар юкори мансабли ҳарбийларнинг маҳсус кийими ҳисобланган.

матосида түқ жигарранг ипаклар билан безатилган палметт<sup>23</sup>, нилуфар гүнчалари, саллагул, узум навдалари нафакат Сүғд, балки Хитой, Шаркий Осиё ҳамда Тибет тарихий-маданий либосларида ҳам ўз аксини топган (12-расм).

Қадимги Сүғд либосига тегишли ипак мато парчаси бугунги кунда “Abegg-Stiftung” Швейцария давлат музейида [20] сакланмоқда (13-расм). Ушбу мато парчаси VII асрга тегишли бўлиб, унда безакли доира ичида узун шохли кийиклар тасвириланган ҳамда нилуфар гуллари хоч шаклида жойлаштирилган. 2009 йили музейда фаолият юритган таъмиршунос-рассом (реставратор)лар Йорам ва Бинротларнинг сўзларига кўра, мато парчаси ҳақида деярли маълумотлар сакланмаган. Музей мутахассислари олиб борган тадқиқотлар Қадимги Сүғд ипак матосининг парчаси қўл меҳнати эканлиги ва VII асрда Хитойда Тан сулоласи хукмонлиги даврида қироллик оиласига тегишли бўлгани аникланди (13-расм).



**13-расм. Қадимги Сүғд либосига тегишли  
ипак мато парчаси, VII аср.**

<sup>23</sup> Палметт (французча *palmette*) — пальманинг етлиғи симон барглари шаклидаги нақш безаги.

Ипак мато тўқиши санъати сўғдларда Сосон форслар империясидан ажралиб чиқкан даврдан бошлаб кенг ривожлана бошлагани ҳақида тарихда маълумотлар мавжуд<sup>24</sup>. Кўчманчилар маданияти бешинчи аср охирларида Шимолий Ҳиндистон, Бақтрия, Сўғдиёнада устунликка эришиб, ҳатто форс кўшинларига қарши чиқишига ва 484-йилда форс шоҳи Фирузни ўлдиришга кудрати етган Сюнну авлодлари, Эфталитлар (ёки оқ гуннлар)га бориб тақалади деб фараз қилинади. Эҳтимол, айнан шу сабабли форс давлатида ипакчилик деярли ривожланмаган деб ҳисобланади.

Шунга қарамай, форс шоҳларининг тикувчилари мураккаб ипак матоларни, яъни такрорланувчи мураккаб нақшлар, геральдика<sup>25</sup> услубида тасвиранган ҳайвонлар, қушлар, маҳлуклар, ов қилаётган подшоларни англатувчи кучли рамзий ҳайвонлар тасвири акс этган матолар ҳамда лиbosларни етказиб бериш билан шуғуллангани ҳақида фаразлар мавжуд (14-расм) [16]. Ҳар бир геральдика[25] услубидаги тасвирида хўрозлар, буқалар, шерлар, қанотли отлар, грифон<sup>26</sup>, жанг саҳналари, шоҳларнинг шер овлаш саҳналари ўта нозиклик билан ишланган ва марварид шодасидан тизилган доира ичига жойлаштирилган бўлиб, доиралар орасидаги хоч шаклидаги нилуфар гули шоҳлар мато дизайнини яхлит ва мукаммал туталланган санъат асари даражасига олиб чиқкан десак муболага бўлмайди[16].


Қадимий Сўғд мато парчаларида учрайдиган безаклар ичida маржонли доира ичидаги буғу, сигир ва шоҳли кийиклар тасвиirlари ҳам учрайди (14-15 расмлар). Бундан ташқари *фэнтези* услубида ишланган ҳайвонларни ҳам кўриш мумкин. Бундай безакларда ҳайвонлар асосан қанотли ва товус патли қилиб тасвиранган<sup>27</sup> (14-15 расмлар).

<sup>24</sup> “SINO-PLATONIC PAPERS”. Justinian and the International Silk Trade. Heleanor B. Feltham, 2009, 14-15 pages.

<sup>25</sup> Геральдика (лотинча *heraldus* “жарчи, хабарчи”) — маҳсус тарихий тартиб тури бўлиб, рамзлар ва анъаналарни ўрганиш ҳамда амалда кўллаш билан шуғулланади.

<sup>26</sup> Грифон — ярим бургут, ярим шер танали, афсонавий қанотли мавжудот. Афсоналарга кўра, Само ва Ерни бирлаштирувчи, бир вақтнинг ўзида ҳам “Эзгулик”, ҳам “Ёвузлик”ни ўзида мужассам этган мавжудот.


<sup>27</sup> “Use and production of silks in Sogdiana”, Etsuko Kageyama, 2002.



14-расм. Сўғд мато парчаси.

15-расм. Сўғд мато парчаси. VII аср.

VII-VIII асрлар.



16-расм. Сосон форс ипак матоси (парча), VI-VIII асрлар<sup>28</sup>.

Хитойдан келтирилган ва маҳаллий ишлаб чиқарилган ипакдан тўқилган матолар айнан шундай дизайнга эга бўлган ва ҳозирги вақтда топилмалар Нью-Йоркдаги “Метрополитен Музейи”<sup>29</sup>, Лондондаги “Виктория ва Альберт Музейи”(16-расм) каби машҳур музейлар коллекциясида сақланиб келмоқда[16].

<sup>28</sup> “Виктория ва Альберт Музейи” коллекцияси; музей 1852 йили Лондонда ташкил этилган. Музей асосчилари қиролича Виктория ва шахзода Альберт бўлган. <http://www.vam.ac.uk/>

<sup>29</sup> “Метрополитен Музейи”, 1870 йили Нью-Йоркда ташкил этилган (АҚШ). Сайёхларни жалб қилиш даражаси бўйича бутун дунё миқёсида 4-чи ўринни эгаллаган ушбу рассомлар музейи коллекциясида Пикассо, Ван Дейк, Пуссен каби ўз даврида машҳур бўлган рассомларнинг етук асарлари ҳамда Коко Шанель, Ив Сен-Лоран, Жанни Версаче ва бошқа шу каби кўплаб машҳур модельер-дизайнерларнинг энг сара либослари саклаб келинмоқда. <https://www.metmuseum.org>


### **III. ЛИБОСЛАРНИ КОНСЕРВАЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

#### **3.1. Либослар консервациясининг умумий таърифи**


Археологик қазилма ишлари шароитида ва республикамизнинг музейларида қадимги даврларга мансуб бўлган мато қолдиқлари ва кийим-бош бўлаклари сақланиб қолган. Бу топилмалар ичида жун ва ўсимлик ипларидан тўқилганлари ҳам бор. Одатда бундай топилмалар кўп ҳолатларда ер ости омиллари таъсирига учраган бўлиб, тупроқ, минерал тузлар, намлик, микроорганизмлар ҳамда жасад парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган ёғ, кислоталар ва ишқорлар шимишган бўлади. Айрим ҳолларда уларга темир тузлари ва гумин кислотаси ҳам сингиб кетган бўлади. Юқоридаги емирувчи омиллар таъсирида матолар ўзининг хусусиятларини анча йўқотиб, ипларнинг структураси салбий ўзгаради, қаттиқлиги, юмшоқлиги ва эгилувчанлиги пасайиб, мўрт бўлиб қолади<sup>30</sup>.

Турли матоларнинг ташқи муҳитга чидамлиги ва мустаҳкамлигини ошириш учун уларга ҳар хил ишлов берилади. Бундай ишлов бериш натижасида мато ўзининг мустаҳкамлигини, эгилувчанлигини ва толаларининг бутунлигини тиклайди. Одатда толалар қариши (эскириши) натижасида толалар таркибидаги сувлар (гигроскопик намлик) камайиб кетади ва бунинг натижасида толалар ўзининг эгилувчанлигини йўқотиб, синувчанлиги ошади. Бу йўқолган намликни тиклаш учун, толалар нимадан тайёрланганидан қатъи назар, матолар глицерин эритмаси билан тўйинтирилади. Натижада, глицерин микдори ортгани сари, толалардаги гигроскопик намлик орта боради. Одатда бундай ишлов беришда учта модда — этил спирти-сув-глицерин (3:6:1)дан иборат аралашма қўлланилади. Зарур вақтларда глицериннинг ўрнига полиэтиленгликолнинг ПЭГ-50 дан ПЭГ-20гача бўлган маркалари қўлланилиши мумкин [30].

<sup>30</sup> “Химия в реставрации”. М.К. Никитин, Е.П. Мельникова, 1990 й. 230-231 б.



17-расм. Эрмитаж Давлат музейи.  
Либос ва мато парчалари  
консервацияси лабораторияси.



18-расм. Эрмитаж Давлат музейи.  
Мато консервацияси иш қуроллари.

Ёдгорликлар (музейларда сакланыётган ва археологик топилмалар) да матолар жуда күп учрайди. Топилувчи жун ва ўсимлик ипларидан тўқилган матолар ер остида ётган вақтида тупроқ, туз ва микроорганизмларнинг таъсирига учраган, шунингдек, жасад бузилишидан пайдо бўлган кислоталар ва ишқорлар сингиган бўлади. Айрим ҳолларда уларга темир тузлари ва гуминли моддалар<sup>31</sup> ҳам сингиган бўлади.

Юқоридагиларнинг таъсирида матолар ўз хусусиятини анча йўқотади, структураси салбий томонга ўзгаради, қаттиқлиги, юмшоқлиги ва эластиклиги (эгилувчанлиги)ни йўқотиб, мўрт бўлиб қолади.

Консервация ва таъмирлашдан олдин мато чуқур таҳлил қилинади (сакланиш даражаси, ёпишган қатламишининг таркиби ва ҳоказолар ўрганилади), сўнгра таъмирлаш усуллари белгиланади.

Энг биринчи усул, бу — ювиш (агар мато яхши сакланган ва бўёғи сувга чидамли бўлса). Бунинг учун олдин матонинг бир чеккасига сув томизиб, текшириб кўрилади. Ювиш қия ўрнатилган ва клеёнка қопланган стол устида амалга оширилади. Клеёнка устидан дока ёки мато тўшалади. Шундан

<sup>31</sup> Гуминли моддалар — юкори молекуляр массанинг органик молекулалари тизими бўлиб, ўлган организмлар айниши ва шаклан ўзгаришининг оралиқ босқичларида органик моддаларнинг минералланиши жараёнида ҳосил бўлади.

сўнг тозаланадиган мато ёйилади ва устидан 2-3 қават дока солинади. Кейин губкага сув шимдириб, мато хўлланади. Сув кирни эритиб, тагига солинган матога ўтказади. Бу жараён қия столдаги сув тоза рангга киргунича давом этади. Айрим ҳолларда бу иш тўр ёки мато тортилган рамкаларнинг устида амалга оширилади<sup>32</sup>. Агар кирлар мураккаб таркибга эга бўлса, сув ўрнига бошқа эритувчилар фойдаланиб, тозалаш мумкин (19-расм).



**19-расм. Қадимий гилам парчасини лаборатория шароитида тозалаш жараёни.**

Матоларни тўқишида ишлатиладиган толали моддалар ҳайвон ва ўсимликлардан олинадиган турларга бўлинади. Биринчиларга қўй жуни ва ипаклар киради. Булар одатда мураккаб азотли органик моддалардан ташкил топган бўлади. Ўсимликлардан олинадиган толали моддаларга пахта, зифир, каноп ва бошқалар киради. Бу маҳсулотларнинг бари кимёвий таркиби бўйича целлюлозадан иборатdir. Целлюлоза ёки клетчатка табиатда жуда

<sup>32</sup> “Химия в реставрации”. М.К. Никитин, Е.П. Мельникова, 1990 й. 219 б.

кенг тарқалган. Ўсимлик хужайраларининг жуда кўпчилигининг қобиғи тоза целлюлозадан ташкил топган бўлади. Кўп ўсимликлар ёки уларни ишлашдан ҳосил бўлган маҳсулотлар ҳам целлюлозадан ташкил топган бўлади.

Целлюлоза полисахаридлар гуруҳига мансуб бўлиб, бу бирималар жуда мураккаб углеводлар синфига тааллуклидир, уларнинг умумий формуласи  $(C_6H_{10}O_5)_n$  кўринишига эга. Ўта чидамлилиги, пухталиги, эгилувчанлиги ва кимёвий турғунлиги сабабли тоза целлюлоза, биринчидан, турли матолар (пахтали, зифир толали) ва, иккинчидан, қофоз ишлаб чиқаришда кўп кўлланилади.

**Қўй жуни** узун, тангачалар билан қопланган эластик толалардан иборат. Бу толалар қанчалик ингичка бўлса, шунчалик юқори баҳоланади. Толаларнинг юзаси тангачали ва ғадир-будур бўлганлиги сабабли у тезда ўралиб қолиш хоссасига эга. Бунинг натижасида қалин мато — кигиз (войлок) ҳосил қиласи. Қўй жуни одатда тер ва ёғ қолдиқлари билан ифлосланган бўлади. Улардан қутулиш учун энг аввало жун ювилади, сўнgra йигириш ва бошқа ишловлар берилади. Кучсиз кислоталар жунга таъсир қўрсатмайди, ишқор, хлор ва хлор оҳаги эса уни тезда емириб ташлайди.

**Ипак** — ипак қуртидан ажралиб чиқсан ёпишқоқ моддадан ҳосил бўлган икки қаватли ипнинг қотиб қолганидир. Ипак қурти ўзини бу ип билан (узунлиги 1000 метр ва ундан ортиқ бўлади) ўрайди ва шу йўл билан пилла ўрайди. Сўнgra пилла ичидаги қурт капалакка айланади. Сифатли ипак олиш учун капалак ўлдирилади, пилла иссиқ сувда ивитилиб, ундан ип тортиб олиб, ўралади. Хом ипакнинг иккиталик или асосан ипак қуртининг елими ва фиброндиндан ташкил топган бўлади. Унинг керакли ва фойдалилиги эса фибронин моддасидир. Шу сабабли хом ипак қайнаб турган совунли эритмада қайнатилади. Бунинг натижасида ҳамма елим эритмага ўтади.

**Пахта** — ғўза ўсимлигининг уруғи, яъни чигитнинг тук-ипларидир. Тозаланган пахта тўлиқ целлюлозадан ташкил топган бўлади. У ишқорлар таъсирига ўта чидамли бўлиб, хлор ва хлор оҳагида ҳайвон толаларига нисбатан қийинроқ бузилади.

**Зигир пояси** — хом ҳолатида целлюлозадан ташқари күргина турли моддаларга эга бўлиб, унинг ташқи пўстлоғи, ёғочли танаси ва толаларида бир-бирига ёпиштирувчи маҳсус модда мавжуд. Шу сабабли зигир пояларининг дастлабки жараёни — “ивитиш” (“мочка”) уларни маълум вақтгача турғун сувга ташлаб қўйиш тарзида амалга оширилади. Бу жараён таъсирида қайд қилинган қўшимча моддаларнинг бир қисми чириш натижасида эриб кетади, иккинчи қисми эса ўта мўртлашиб қолади ва кейинги ишловлар (эзиш, титиш, тараш) жараёнида юмшоқ толалардан осон ажралади.

Кўпинча матоларда ўсимликлардан олинган маҳсулотлардан қолган доғлар сакланган бўлади. Булар қаторига танинлар<sup>33</sup>, бўёқлар, гумин моддалар[31] киради. Сўнгги моддалар айниқса археологик топилма матоларида кўп учрайди. Булардан ташқари чой, кофе, вино, мева, турли ўт ва гуллар, сиёҳ ва тушдан қолган доғлар учраши мумкин. Бу доғларнинг айримлари мато толалари билан кимёвий реакцияга кириб кетган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда доғ ва толалар боғлиқлигини енгиллаштирувчи ва шу билан бирга рангларга салбий таъсир этмайдиган тозаловчи воситалардан фойдаланиш керак.

### **Қадимги иплар ва улардан мато тўқиши**

*Учратдим бир қарияни:*

*«Нимадир ул вақт,  
Баён этинг тезроқ!»*

*Қария деди:*

*«Ҳаётнинг асоси — вақт,  
Уни лозим тўқимоқ».»*

*Т.Б. Тэйлор.<sup>34</sup>*

Қадимги хунармандлар энг аввало поя ва навдалардан турли буюмлар тўқишини ўзлаштиришган, сўнгра тўқимачилик йўлга қўйилган. Бунга


<sup>33</sup> Танинлар — ўсимликлардан олинадиган, буриштирувчи ва ошловчи хусусиятга эга бўлган фенол бирикмалар гурухи.

<sup>34</sup> Heather L. Allen. Weaving contemporary rag rugs: designs, traditional techniques. Lark Books, 1998.


биринчи амал иккинчисидан анча оддийроқ эканлиги сабабдир. Түкиш учун ашёларга ортиқча ишлов берилмайды — маълум бир узунликдаги пояларни кесиш ва айрим ҳолларда (масалан, пальма дарахти барглари билан ишланганида) уни маълум кенглиқдаги бўлакларга бўлишга тўғри келади. Тўқимачиликда эса ашёларга дастлабки ишлов бериш — айрим толаларни йигириб, ипга айлантириш, бўяш ва бошқа зарурий талабларни бажаришга тўғри келади. Айрим ўсимликлар, масалан, зифир пояси толаларни боғлашдан иборат бўлиб, улар юпқа пўстлоқ қатлами билан ўралган бўлади. Улардан ип йигириш учун толалар пўстлоқ ҳамда бошқа ашё ва ёпишмалардан тозаланиши керак. Шундан кейингина толаларни йигириш мумкин. Поя ва навдалардан нарса тўкиш учун ортиқча асбоб керак эмас. Аммо тўкиш учун ип йигирадиган чарх ва урчук, тўкиш учун яхлит тўкув дастгоҳи керак бўлади (20-21-22-расмлар).



**20-расм. Қадимий урчуқ ва ип йигириш усули чизмаси.**



21-расм. Қадимий чарх.




22-расм. Қадимий яхлит тўкув дастгоҳи.

Европа Текстил Тармоғи (ETN) ва Санкт-Петербург Дизайнерлар уюшмаси аъзоси, санъатшунослик кандидати, доцент, рассом Н.Н. Цветкова (Осиё ва Европадаги деярли барча Ҳалқаро миқёсдаги танловлар лауреати ва қатор кўргазмаларнинг иштирокчиси, қадимий ва замонавий матолар бўйича қатор илмий мақола ва китоблар муаллифи): “Қадимда матоларни яратиш учун машаққатли кўл меҳнати сарфланган. Тўплаган маълумотларимга асосланиб хулоса қилиб айтганда, қўлда мато тўқиши неолит давридан бошланган бўлиб, кейинчалик турли дастгоҳлар яратилган. Айнан либос кийишга бўлган эҳтиёж ип йигириш ва аввалига содда, кейинчалик мураккаб (безакли, ёзуви ва мавзули) кўринишга эга матолар яратилишига замин яратиб берган десам муболага бўлмайди...”<sup>35</sup>

Матолар консервацияси ва реставрациясида матоларнинг тўқилиш услуги ва ундаги ипларнинг схемасини билиш, шунга мос равища, топилмани шикастламай таъмирлаш ишларини амалга ошириш жуда муҳимдир. Алоҳида такидлаш жоизки, бугунги кунга келиб ҳам Ўзбекистон ҳудудининг турли жойларида қадимий услубда тўкув дастгоҳларида ипак ва атлас матолар тўқиши анъанаси сақланиб келмоқда.

<sup>35</sup> “Искусство ручного ткачества”, Н.Н. Цветкова, 2014. 7-8 б.



23-расм. Қадимий мато парчалари ипларининг  
микроскопик кўриниши [29]

### 3.2. Либосларни консервациялаш усуллари

Матоларни консервациялаш ва таъмирлашдаги асосий муаммолардан бири — доғ ва кирларни йўқотишdir. Доғларни йўқотиш усуллари матодаги доғларни ҳосил қилувчи моддаларга боғлик. Қадимги матолардаги доғларни ҳосил бўлиш табиатига қараб, тўрт гурухга бўлиш мумкин:

- 1) Ёғли моддалар ва ёгни эритувчи бўёқлар.
- 2) Оқсил моддалар.
- 3) Танин ва бошқа ўсимликлардан олинадиган бўёқ моддалар.
- 4) Тузлар ва металл оксидлари.

Консервациялаш жараёнида аксарият ҳолларда биринчи қилинадиган иш, бу — эскириб кетган матоларни янги мустаҳкам асосга кўчиришиdir. Бунда топилма қофоз ёки матога игна ва ип ёрдамида тикиб қўйилади ёки ёпишқоқлиги юқори бўлган сувда эрувчи елим (унли елим, поливинилпирроридон, ПВС, ПВАД, органик эритувчиларда эрувчи елимлар) ёрдамида елимланади. Унли елим кўпроқ ишлатилади, тозалашнинг натижаси яхши бўлиши учун матога 1-2%ли глицерин қўшилган илиқ дистилланган сув шимдирилган тампонлар (пахта ёки дока бўлаклари)ни қўйилади (24-расм).



24-расм. Қадимий мато парчаларини консервациялаш жараёни.

Матоларнинг айрим бўлакларини бутлаш учун акрил сополимери Paraloid B-72, ПВА ёки винилацетат билан дибутилмалеинат сополимерлари

асосида тайёрланган елимлар ишлатилади. Эскириб, чириб қолган матоларни мустахкамлаш учун ПММА<sup>36</sup> нинг хлороформ-толуолметил спирти билан аралашмасини, пластификатор ва намликини таъминловчи восита сифатида 20% ли полиэтиленгликолнинг ПЭГ-200дан ПЭГ-400гача бўлган маркалари кўлланилади.

Мато бўлакларини йигишда сув ёки органик эритувчиларни қўлламаган ҳолда амалга ошириш учун маҳсус эритма — елим ишлатилади. Уларни тайёрлашда асосан ПБМА<sup>37</sup>-НВ, полиамид, полиэтилен мумлари ва бошқалардан фойдаланилади. Уларнинг асосий таркиблари адабиётларда кўрсатилган<sup>38</sup>.

Ёғли ва ёғсимон моддалардан қолган доғлар асосан органик эритувчиларда эритиб тозаланади. Лекин бу доғлар орасида, айниқса қийин эрувчилари мавжуд. Улар мато толалари билан бирлашиб кетган бўлади. Шунинг учун ҳар бир доғ учун ўзининг маҳсус таркибини ишлаб чиқиши зарур.

Матоларни тозалашда шунингдек спиртлар, айниқса кўп атомлилари кенг қўлланилади. Айрим доғлар ва кирлар этил спиртига оз миқдорда скипидар қўшилган аралашмада тезгина йўқотилади. Бутил ва бошқа спиртлар кўпгина кирларни йўқотувчи самарали эритувчилар ҳисобланади. Шунингдек, буларнинг тўйинган ва хлорланган углеводородлар, циклогексанол ва циклогексанон билан аралашмалари жуда яхши тозаловчи воситалар сифатида ишлатилиши мумкин. Тозаловчи аралашмаларнинг таркиби гирифтирилган глицерин ва паст молекулали полиэтиленгликоллар фақат тозалабгина қолмай, балки тўқимачилик матоларини тозалашдан кейинги толалар намлигини меъёрида сақлаб туриш учун ҳам хизмат қиласиди.

Матоларни сувсиз тозалашни органик эритувчиларга маҳсус тозалашни тезлатувчи эритмалар — детергентлар қўшиш йўли билан тезлаштириш мумкин. Детергентларнинг энг кенг тарқалгани — тозалашда

<sup>36</sup> ПММА — полиметилметакрилат ёки органик шиша.

<sup>37</sup> ПБМА — полибутилметакрилат, 1940 йилдан бери археологик бадиий санъат асарларини реставрация килишда ишлатилади. ПБМА-ВВ (ёпишқоқлиги баланд) ва ПБМА-НВ (ёпишқоқлиги паст) турлари бор.

<sup>38</sup> “Химия в реставрации”, М.К. Никитин, Е.П. Мельникова, 1990 й. 232-234-б.

кўлланиладиган бензинга оддий мойли совунни қўшишдир. Бундай қўшилма тозалашни яхшилабгина қолмай, балки бензиннинг ёнувчанлигини ва портлаб кетиш хавфини пасайтиради. Бундай тезлатгич детергентлар одатда 3-5та моддалардан иборат бўлиб, улар асосан суюқлик юзини фаоллаштирувчи моддалар (СФМ)дан ташкил топади. Бу тезлатгичларни қўшиш тозалашни яхшилаш билан бирга уни тезлаштиради ҳам. Ҳозирги вақтда кимё саноати бундай тезлатгичларнинг турли таркибдаги ва турли хоссаларга эга бўлган турларини ишлаб чиқармоқда.<sup>39</sup>

Матолардаги пигментли доғларни йўқотиш учун 3%ли водород перокисидининг аммиакли эритмаси, 6%ли водород пероксида ва этил спиртини teng нисбатда олиб тайёрланган эритмаси, водород пероксида, натрий ва барий пероксидлари ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бундай доғлар, шунингдек натрий гипохлорит ва калий гипохлорит аралашмаси (жавел суви)<sup>40</sup> ҳамда калий перманганат таъсирида кетади. Бунинг учун доғли жойлар 1%ли калий перманганат эритмаси, 0,5%ли натрий тиосульфат эритмаси билан ювилади. Сақланиб қолган марганец оксидини доғларини кетказиш учун шовул (шавель) ва лимон кислоталари билан таъсир этиб йўқотилади.

Одатда эски матоларда, айникса, ер остидан топилганларида уч хил доғлар учрайди: бевосита темир бирикмасидан ясалган қуролларнинг занглаши (коррозия) натижасида ҳосил бўлган доғлар, ер ости замбуруғлари таъсирида ҳосил бўлганлари ва умуман темирсиз, бошқа моддалар ҳисобига ҳосил бўлган доғлар учрайди. Биринчи ва иккинчи доғлар шовул кислотаси таъсирида ёки 5-10%ли трилон Б<sup>41</sup> эритмалари ёрдамида кетказиш мумкин. Учинчи гуруҳ доғлари — қисман ёки тўлиқ оқартирувчи воситалар қўллаш орқали йўқотилади.

<sup>39</sup>“Химия в реставрации”. М.К. Никитин, Е.П. Мельникова, 1990 й. 218-228 б.

<sup>40</sup>Жавел суви — матоларни оқартириш учун ишлатиладиган бу сувдан 1792 йилда илк бор Париж яқинидаги Жавель қишлоғида фойдаланилган. Жавел суви ўша пайтда эндигина кашф қилинган хлор моддасини ўрганаётган француз олимни Бертолле томонидан ҳосил қилинган эди.

<sup>41</sup>Трилон Б — этилендиаминтетрауксус кислотанинг динатрийли тузи.

Умуман, түқилган матоларни тозалашда органик эритувчилар (бензин, уайт-спирит) кенг қўлланилади. Лекин улар қуриш жараёнида рангни ўзгартириши мумкин. Шу сабабли кўпроқ хлорланган углеводородлар — тўрт хлорли углерод (тетрахлорметан, дихлорэтан, трихлорэтилен, тетрахлорэтилен (перхлорэтилен)лардан фойдаланиш яхши самарага эга. Айниқса перхлорэтилендан фойдаланиш ижобий натижалар беради. У ёнувчан эмас, ҳаво билан портловчи аралашма ҳосил қилмайди, матолардаги бўёқларни ювиб юбормайди, металл иплар (олтин, кумуш) билан тикилган безаклар бузилиб кетмайди[36].

Кўпгина матоларга турли металл безаклар тикилади. Уларнинг кўпчилигига олтин, кумуш ва мис толалар ишлатилади. Археологик топилмаларда мато толалари ичига турли металларнинг оксидлари ва тузлари сингиб кетган бўлади. Бундай матоларни тозалашда турли мажмуа ҳосил қилувчи моддаларнинг сувли эритмалари, жумладан трилон Б нинг катионфаол СФМ<sup>42</sup> аралашмаси кенг қўлланилади. Қорайиб қолган кумуш ипли безакларни натрий тиосульфат ёки тиомочевина (олтинга ишлов беришда фаол қўлланиладиган канцероген модда) эритмалари билан тозалаш мумкин.

Зангли доғларни шовул кислотаси ва плавик кислотаси<sup>43</sup> нинг сувли эритмалари билан тозаланади (сўнгра нейтралланади). Мис оксидли-тузли доғлар амин препаратлари<sup>44</sup> ёрдамида йўқотилади. Масалан, трилон Б ва озгина СФМ аралашмаси мисли доғларнинг ҳаммасини кетказиши мумкин. Агар сувли эритмаларни қўллаш мумкин бўлмаса, мис оксиди ( $CuO$ ) ва тузларидан қолган доғларни спиртли ёки спирт-эфир (этилацетат)ли этилендиаминнинг 1-2%ли эритмаси ёрдамида йўқ қилинади ва сўнгра этил спирти ёки этилацетат ёрдамида ювиб ташланади [36].


<sup>42</sup> Катионфаол СФМ — сувда эритилганида сиртқи фаоллиги катионларга боғлиқ бўлган сиртқи фаол модда (СФМ).

<sup>43</sup> Плавик кислота — фторводороднинг сувдаги эритмаси (фторводородли кислота, фтор-водородли кислота, гидрофторид кислота).

<sup>44</sup> Аминлар — аммиакнинг ҳосиласи бўлган органик бирикмалар.

## Оқартириш жараёни

Оқартириш жараёни кўпинча хлор таъсирида амалга оширилади. Бундай моддалар қаторига хлор, хлор оксиди (IV), хлор суви, хлор оҳаги киради. Лекин булар кучли оқартирувчи воситалар бўлиб, мато толаларига анча салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли юмшокроқ оқартирувчи **хлораминларнинг 5-7%ли сувдаги эритмаси ишлатилади**. Табиий матолар хлор билан учрашганида, унинг толалари ўзгаришсиз қолади, лекин матодаги табиий рангга бўёвчи моддалар ўзидағи водородни хлорга бериб, ўзи емирила бошлайди. Бунинг натижасида мато ўз рангини йўқота бошлайди, яъни оқариб кетади. Бошқа ҳолларда қуёш нурлари ва сув иштирокида хлорнинг оқартириш хусусияти қуйидаги реакция асосида амалга ошиши мумкин:



Бунда хлор сувдаги водородни тортиб олиб, кислородни озод қиласи. Бу кислород оқартирилаётган матони бўёвчи моддани оксидлаб, емиради. Бунинг натижасида ҳосил бўлган рангиз моддалар эрувчан бўлиб қолади, сувда ювиш орқали улардан қутилиш мумкин [36].

Мато ва калава ипларни кимёвий оқартириш учун хлор ва унинг бирикмаларидан ташқари олтингугурт кислотаси, озон (озонга айлантирилган кислород) ва водород пероксиди (перекись водорода) ҳам қўлланилади. Оқартириш, шунингдек, хлор оксиди (IV) ва натрий хлорид ( $\text{NaClO}_2$ ) ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун формальдегидга натрий хлоритни қўшиш керак. Шунда хлор оксиди —  $\text{ClO}_2$  газ ҳолида ажralиб чиқади ва у матоларни оқартиради. Оқартириш учун натрий хлоритнинг 2% эритмасига формалиннинг 37% ли эритмаси қўшилади. Бу эритмани тайёрлаш учун 25-30 мл формалин 1 литр тозалангандан сувга қўшилади. Бу моддалар толали бирикмаларнинг рангини ўчиришга, яъни улардаги табиий рангли моддалар — пигментларни ажратиб, йўқотишга ёрдам беради. Толадаги бошқа моддаларни йўқотиш учун сув, оҳак, ишқор, кислота ва совунлар ишлатилади [36].

## Мато ва ипларни бўяш воситалари

Инсоният матоларни бўяшни жуда қадим замонлардан бошлаб ўзлаштирган. Бунга эса муайян ранг берувчи моддалар нафақат мато толаларининг ташқи қатламини ўраб, сиртдан юпқа қатlam ҳосил қилибина қолмай, балки толанинг ич-ичигача сингиб, ўта қаттиқ боғланиб қолиши ва ундан ҳеч қандай механик йўл билан ажратиб бўлмаслигидек ажойиб хусусиятга эгалиги сабабдир. Бундай хусусият турли толаларда турлича бўлади. Айрим матоларда турли рангли эритма ва доғларни қабул қилиш даражаси ҳар хил бўлади. Бундай рангли моддалар ёрдамида матоларга ранг бериш *субстантив пигментлар* дейилади.

Айрим толалар умуман рангни қабул қилмайди. Бундай ҳолатларда толаларнинг рангни қабул қилиш хусусиятини ошириш учун уларга маҳсус моддалар — ранг берувчи дорилар (протравка) ёрдамида ишлов берилади. Бундай моддалар мато толалари томонидан пухта боғланиб қолади. Ўзи матога ҳар қандай ранг бермайди, фақатгина толаларнинг зарур рангларни қабул қилишини таъминлайди. Ранг беришнинг маҳсус дорилардан фойдаланиладиган бундай усули *адъектив<sup>45</sup> пигментлар ёрдамида бўяш деб аталади*.

Масалан, таркибида қизил пигментлар мавжуд қизил дараҳт бўлакларини сувда қайнатиб, унга пахта ипли калавани солиб анча вақт ушланса ҳам ипнинг ранги ўзгармайди. Лекин пахтали ипни аввал аччиқтош эритмасида ушлаб турилиб, кейин уни ювиб ташлаб, эритмага солинса, толалар дарҳол оч қизил рангга бўялиб қолади. Бу ерда аччиқтош пахта толаси учун биз юқорида айтиб ўтган ранг берувчи дори вазифасини ўтайди.

Мато ва ипларни бўяш воситалари кўп ҳолларда органик биркмалардан иборат бўлади. Кўмирдан олинадиган бўёқлар яратилмасдан олдин толали моддаларни бўяш учун табиий бўёвчи моддалар ишлатилган. Бундай бўёқлар асосан ўсимликлардан тайёрланган бўлиб, айрим ҳолларда ҳайвон

<sup>45</sup> Адъектив — лотинча сўз бўлиб, “кўшилиш” деган маънони билдиради.

аъзоларидан ҳам олинар эди. Кўмирлардан сунъий бўёқ олиш усуларининг яратилиши бўёқ саноатида кескин бурилиш ясади.

Ўсимлик бўёкларининг бир қисми бевосита ўсимликлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлардан олинса, бошқа қисми шу ўсимлик маҳсулотларини қайта ишлаш ва ўзгартериш орқали ҳосил қилинади. Бундай бўёклар олинадиган асосий ўсимликлар сирасига зангори дaraohт (кампеш дaraohти)<sup>46</sup>, қизил дaraohт, сариқ дaraohт, вайда<sup>47</sup>, индиго<sup>48</sup>, крапп<sup>49</sup> киради.

Қайд этиб ўтилган ўсимлик бўёклари уларни сунъий равишда яратиш усуллари ишлаб чиқилгунига қадар энг асосий воситалар сифатида хизмат килиб келди. Шу сабабли ҳам бундай ўсимликларни етиштириш учун жуда катта ер майдонлари банд қилинар эди.

Ҳайвон аъзоларидан олинадиган бўёвчи воситалар ичida энг аҳамиятлиси — кошениль бўлиб, ундан малина тусли ва қизил рангли бўёклар олинарди. Кошениль (французча cochenille) деб аталувчи ҳашаротнинг куртларидан “кармин” ёки “кошениль” деб аталувчи бўёқ олинади. Бу ҳашаротлар Марказий Америка ва Калифорнияда кактуслар устида ҳаёт кечиради, Хиндистонда, Ява ва Канар оролларида маҳсус боқиб, етиштирилади. Бугунги кунда ҳам кўплаб мамлакатларда ипак ва бошка нарсаларни бўяш учун фойдаланиладиган бўёкларни табиий усулларда тайёрлаб келаётган ва буни оиласига касбга айлантирган инсонларни ҳам учратиш мумкин.

<sup>46</sup> Кампеш дaraohти (фр. campeche) — дуккаклилар оиласига мансуб бўлиб, Марказий ва Жанубий Америкада ўсади. Унинг ёғочида мавжуд бўладиган гемотоксилин моддасидан гистологияда бўяш мақсадида фойдаланилади. Майдалангандан зангори сандал бўёғи олинади. Кампеш дaraohтининг экстракти (кампеш)дан тери ва текстил саноатида ошловчи (дубилловчи) ва бўёвчи модда сифатида фойдаланилади.

<sup>47</sup> Вайда — зангори бўёқ олинадиган ўсимлик.

<sup>48</sup> Индиго — айрим ўсимликлардан олинадиган зангори бўёқ.

<sup>49</sup> Крапп ёки рўян (марена) — кўп йиллик ўсимлик. У Европа ва Осиёда ўсади. Унинг майдалангандан қизил бўёқ олинади.



**25-расм. Ипак, жун ва чарм матолари учун табиий бүёк тайёрлаш жараёни. Марокаш.**

## ХУЛОСА

Археологик қазилма ишлари вақтида топиладиган қадимий мато қолдиқлари ва кийим-бош бўлаклари кўп ҳолатларда ер ости омиллари таъсирига учраши, яъни тупроқ, минерал тузлар, намлик, микроорганизмлар ҳамда жасад парчаланишидан ҳосил бўладиган ёғ, кислоталар ва ишқорлар, темир тузлари ва гумин кислотаси сингиши натижасида матолар тўқилган ипларнинг структураси салбий томонга ўзгаради, қаттиқлиги, юмшоқлиги ва эгилувчанлиги пасайиб, мўрт бўлиб қолади.

Матоларнинг ташқи муҳитга чидамлилиги ва мустаҳкамлигини ошириш учун бериладиган ишловлар натижасида мато ўзининг мустаҳкамлигини, эгилувчанлигини ва толаларининг бутунлигини тиклайди. Эскириб, таркибидағи сув (гигроскопик намлик) камайгани натижасида эгилувчанлигини йўқотган ва синувчанлиги ошган толалардаги намликни тиклаш учун толалар нимадан тайёрланганидан қатъи назар матолар глицерин эритмаси билан тўйинтирилади.

Матолар консервацияси ва реставрациясида матоларнинг тўқилиш услуги ва ундаги ипларнинг схемасини билиш, шунга мос равища, топилмани шикастламай таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун энг аввало мато чукур таҳлил қилинади (сақланиш даражаси, ёпишган қатламишининг таркиби ва ҳоказолар ўрганилади), сўнgra таъмирлаш усуллари белгиланади.

Қадимий топилма матолар ва кийим-бош бўлакларида турли доғлар, айниқса, мато толалари билан бирлашиб кетган қийин эрувчи доғлар мавжуд бўлади. Бундай доғларни кетказиш учун уларнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилган ҳолда, доғни кетказувчи маҳсус таркиблар ёки усуллардан фойдаланиш тақозо этилади.

Агар мато яхши сақланган ва бўёғи сувга чидамли бўлса, унинг бир чеккасига сув томизиб, текшириб кўрилади, сўнгра қия ўрнатилган ва клеёнка қопланган стол устида ювилади.

Консервациялаш жараёнида энг аввало амалга ошириладиган ишлардан яна бири эскириб кетган матоларни янги мустаҳкам асосга кўчириш бўлиб, бунда топилмани қоғоз ёки матога игна ва ип ёрдамида тикилади ёки сувда эрувчи елим (унли елим, поливинилпироридон, ПВС, ПВАД, органик эритувчиларда эрувчи елимлар) ёрдамида енимлаб қўйилади.

Ёғли ва ёғсимон моддалардан қолган доғлар асосан органик эритувчиларда эритиб тозаланади. Айрим доғларни кетказишда этил спиртига оз микдорда скипидар қўшилган аралашмалар, бутил ва бошқа спиртларнинг тўйинган ва хлорланган углеводородлар, циклогексанол ва циклогексанон билан аралашмаларидан фойдаланилади.

Оқартириш жараёни кўпроқ хлор, хлор оксиди (IV), хлор суви, хлор оҳаги ёрдамида амалга оширилади, аммо улар мато ипларини жудаям оқартириб юборганлиги сабабли, юмшоқроқ оқартирувчи — хлораминларнинг сувдаги 5-7%ли эритмасиишлатилади.

Мато ва калава ипларни кимёвий оқартириш учун хлор ва унинг бирикмаларидан ташқари олtingугурт кислотаси, озон (озонга айлантирилган кислород) ва водород пероксида ҳам қўлланилади. Оқартириш учун натрий хлоритнинг 2%ли эритмасига формалиннинг 37%ли эритмаси қўшилса, у толалардаги табиий рангли моддалар — пигментларни ажратиб, йўқотишга ёрдам беради. Толалардаги бошқа моддаларни йўқотиш учун сув, оҳак, ишқор, кислота ва совунлар ишлатилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. «Ўзбекистон тарихи: Маъruzалар курси», Б.В. Ҳасанов, 2005.
2. «Искусство ручного ткачества», Н.Н. Цветкова, 2014.
3. Методика исследования археологических тканей, «Советская археология», Е.Ф.Федорович, 1965.
- 4.«Археология Средней Азии», И.Б. Бентович, А.А. Гаврилова, 1972.
5. «Средневековый город средней Азии», М.А. Беленицкий, И.Б. Бентович, О.Г. Больщаков, 1973.
6. «Костюм Древней Евразии», С.А.Яценко, Москва 2006.
7. «Uzbek nationality, its basis and stages of development. Experience of construction of national States», Marlene Laruelle, 2018.
8. «Костюм Древней Евразии», С.А.Яценко, Москва 2006.
9. «China: Dawn of a Golden Age», (James C. / Y. Watt) // Arts of the Sui and Early Tang Dynasties, second printing, 2004.
10. «Serica — Da Qin», Studies in Archaeology, Philology and History of Sino-Western Relations, 2012.
11. «Use and production of silks in Sogdiana», Etsuko Kageyama, 2002.
12. «Реставрация археологических предметов», А.В. Кирьянов, 1960.
13. A. S.Yatsenko – Sogdian Costume in Chinese and Sogdian Art of the 6th-8th centuries, 2007.
14. «Химия в реставрации». М.К. Никитин, Е.П. Мельникова, 1990.
15. «SINO-PLATONIC PAPERS». Justinian and the International Silk Trade. Heleanor B. Feltham, 2009.
16. Philippa Scott, «The Book of Silk» (London: Thames & Hudson), 1993
17. Heather L. Allen. «Weaving contemporary rag rugs: designs, traditional techniques. LarkBooks», 1998.

## **Фойдаланилган интернет сайтлар рўйхати**

<http://lex.uz/docs/4113465>

<http://www.clevelandart.org/art/1996.2.1>

<https://archive.org/details/clevelandart-1996.2-a-childs-coat-with-d>

<https://ru.wikipedia.org>

<https://abegg-stiftung.ch/en/>

<https://www.sothbysrealty.com/eng/auction-house>

<http://www.vam.ac.uk/>

<https://www.metmuseum.org>



# **ИЛОВАЛАР**



**1-расм. Объектнинг таъмирдан олдинги ҳолати.**



**2-расм. Объектнинг таъмирдан олдинги ҳолати.**



**З-расм. Объектни таъмирлаш жараёни. Либоснинг чизмаси аслидан келиб чиққан ҳолда симметрик қўринишда чизилди.**



**4-расм. Объектни таъмирлаш жараёни. Либос чизмасининг  
тўлиқ кўриниши.**




**5-расм. Объектни таъмирлаш жараёни.**



**6-расм. Қадимги Сүғд либоси, VII аср. Марваридлар шодаси тизилган доира ичидә ўрдаклар ва хоч шаклида нилуфар гуллари тасвирланган. Объектни түлиқ таъмирлашдан кейинги ҳолати.**




**7-расм. Қадимги Сүғд либоси, VII аср. Марваридлар шодаси тизилган доира ичидә ўрдаклар ва хоч шаклида нилуфар гуллари тасвириланган.  
Объектни түлиқ таъмирлашдан кейинги ҳолати.**



**8-расм. Қадимги Сүйд либоси, VII аср. Объектнинг график чизмаси.**



**9-расм. Марваридлар шодаси тизилган доира ичида ўрдаклар ва хоч шаклида нилуфар гуллари тасвирланган этикча. Қадимги Сүғд. VII аср.  
Объектнинг таъмирдан олдинги ҳолати.**



**10-расм. Объектнинг график чизмаси.**



**11-расм. Марваридлар шодаси тизилган доира ичида ўрдаклар ва хоч шаклида нилуфар гуллари тасвирланган этикча.**  
**Қадимги Сүғд. VII аср. Объектни таъмирлаш жараёни.**



**12-расм. Марваридлар шодаси тизилган доира ичида ўрдаклар ва хоч шаклида нилуфар гуллари тасвирланган этикча.  
Қадимги Сүғд. VII аср. Объектни таъмирлаш жараёни.**



13-расм. Марваридлар шодаси тизилган доира ичида ўрдаклар ва хоч шаклида нилуфар гуллари тасвирланган этикча. Қадимги Сүғд. VII аср.  
Объектнинг таъмирлашдан кейинги ҳолати.



**14-расм. Аналогик объект.**



**15-расм. Аналогик объект.**



16-расм. Аналогик объект.



17-расм. Аналогик объект.



18-расм. Аналогик объект.